



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 1

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№1 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-1>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Kutpiddinov Xusniddin Muxiddinovich

ETIM BOLALAR VA OTA-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN BOLALARNI JOYLASHTIRISH SHAKLLARINING HUQUQIY VA INSTITUTSIONAL ASOSLARI.....5

2. Авлиякулова Матлуба Авазовна

КОРПОРАТИВ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ.....13

3. Раҳимкулова Лола Улуғмуродовна

ИШ ТАШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ. ҚОНУНЧИЛИҚДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН КАФОЛАТЛАР.....21

4. Karimova Nigina Botirjon qizi

YO‘QOLIB KETISH XAVFI OSTIDAGI YOYVOYI FAUNA VA FLORA TURLARINI MUHOFAZA QILISHDA VASHINGTON (CITES) KONVENSIYASINING HUQUQIY ANAMIYATI.....28

5. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich

ICHKI ISHLAR ORGANLARI XODIMLARINING PROFESSIONAL FAOLIYATINI BELGILOVCHI OMILLAR.....35

6. Turayev Jo‘rabek Shonazarovich

JORIY SHAROITLARDA ICHKI ISHLAR ORGANLARINING JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA‘MINLASH FAOLIYATINING ILMIIY-NAZARIY TAVSIFI.....43

7. Hojiyev Nosirjon Komilovich

YO‘L HARAKATI VA TRANSPORT VOSITALARIDAN FOYDALANISH QOIDALARINI BUZGANLIK UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNI TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOLARI.....50

8. Рузиев Маъруфжон Муртазаевич

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....58

9. Orakbayev Erpolat Temirbay ugli

TERGOV SUDYASI INSTITUTI: SHAKLLANISH TARIXI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....65

10. Husanboev Sardor Abdukarimovich


YOSHLAR O‘RTASIDA EKSTREMISTIK TAHDIDLARNING PROFILAKTIK CHORATADBIRLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.....72

11. Xolmirzayev Muhsinbek Shavqiddin o‘g‘li

KRIMINOLOGIK SIGNAL TIZIMI (REAL-TIME ALERTS): SUN‘IY INTELLEKT ASOSIDA JINOYAT XAVFINI OLDINDAN ANIQLASH VA PROFILAKTIKA QILISH MODELII.....82

12. Курбонов Давлат Равшанович

ШАХС ОЗОДЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙ-БИОЛОГИК ТАВСИФИ.....87




12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

Авлиякулова Матлуба Авазовна,
 Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
 Одил судлов академияси мустақил изланувчиси
 E-mail: yuristxonim1@gmail.com

**КОРПОРАТИВ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
 СОЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ**

For citation: Avliyakulova Matluba Avazovna. IMPORTANT ASPECTS OF LEGAL REGULATION OF CORPORATE-LEGAL RELATIONS. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 1.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18509318>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юридик фан ривожланишининг ҳозирги босқичида айрим Россиялик олимларнинг корпоратив ҳуқуқий муносабатлар борасидаги илмий тадқиқот ишлари ўрганилган. Мақолада қуйидаги тадқиқот вазифалари белгилаб олинган. Биринчидан, “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” тушунчаси таҳлил қилинган. Иккинчидан, корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий моҳияти ва мазмуни ёритиб берилган. Шунингдек, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ Россия Федерацияси тажрибаси асосида миллий қонунчиликни ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корпорация; корпоратив ҳуқуқий муносабат; корпорациядаги мулкӣ, номулкӣ ва ташкилий муносабатлар.

Авлиякулова Матлуба Авазовна,
 Самостоятельный соискатель
 Академия правосудия Республики Узбекистан
 E-mail: yuristxonim1@gmail.com

ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ КОРПОРАТИВНО-ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается научная работа ряда российских ученых по корпоративно-правовым отношениям на современном этапе развития юридической науки. В статье определены следующие исследовательские задачи. Во-первых, анализируется понятие «корпоративно-правовые отношения». Во-вторых, разъясняется правовая природа и содержание корпоративно-правовых отношений. Кроме того, на основе опыта Российской Федерации в правовом регулировании корпоративных правовых отношений были разработаны предложения и рекомендации по развитию национального законодательства.

Ключевые слова: корпорация; корпоративные правовые отношения; имущественные, неимущественные и организационные отношения в корпорации.

Avliyakulova Matluba Avazovna,
Independent Researcher of Academy of Justice under
the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan
E-mail: juristxonim1@gmail.com

IMPORTANT ASPECTS OF LEGAL REGULATION OF CORPORATE-LEGAL RELATIONS

ANNOTATION

This article examines the approaches of Russian scientists to understanding the essence of corporate legal relations at the current stage of the development of legal science. For this purpose, the article defines the following research tasks. First, the concept of "corporate legal relations" is defined; secondly, the legal nature of corporate legal relations is determined. Also, proposals are made on the development of national legislation based on the Russian experience in the legal regulation of corporate legal relations.

Keywords: corporation; corporate legal relations; property, non-property and organizational relations in the corporation.

Илғор хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганган ҳолда республикамиз қонунчилигига корпоратив ҳуқуқий муносабатларни батафсил тартибга солувчи қонун нормаларини жорий этиш ва ривожлантириш жараёнларини ҳуқуқий тартибга соладиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳам айти пайтдаги зарурий чора-тадбирлардан ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг янги соҳасиларидан бири – корпоратив ҳуқуқий муносабатнинг ҳуқуқий асослари ҳозирга қадар миллий ҳуқуқ тизимида ишлаб чиқилмаган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар концепциясини ишлаб чиқиш, уларнинг тузилишини аниқ белгилаш ва алоҳида таркибий элементларнинг тавсифи корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини тушуниш учун зарурий шартдир. Шу сабабли ҳозирда корпоратив ҳуқуқий муносабатларни қўллаш амалиётида бир қанча муаммолар мавжуд. Шунингдек, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси борасида ҳам назарий олимлар ўртасида яқдил фикр мавжуд эмас.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини таъминланмасдан туриб, унинг самарали ривожланиши мумкин эмас. Юқоридагилар ҳозирги шароитда корпоратив ҳуқуқий муносабатларга оид тадқиқотлар долзарблигидан далолат беради.

Рус олимлари томонидан корпоратив ҳуқуқий муносабатларни амалдаги фуқаролик ҳуқуқи нуктаи назаридан баҳолашнинг назарий ва амалий тадқиқотлари узоқ вақт давомида олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасига таяниб мақолада юридик фан ривожланишининг ҳозирги босқичида айрим Россиялик олимларнинг корпоратив ҳуқуқий муносабатлар борасидаги илмий тадқиқот ишлари ўрганилган ва унда қуйидаги тадқиқот вазифалари белгилаб олинган. Биринчидан, “корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” тушунчаси таҳлил қилинган. Иккинчидан, корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий моҳияти ва мазмуни ёритиб берилган. Шунингдек, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ Россия Федерацияси тажрибаси асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, “Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” феноменини ўрганишни корпорация тушунчасини аниқлашдан бошланиши керак. Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 65¹-моддасида берилган ҳуқуқий таърифга кўра, корпорациялар (корпоратив юридик шахслар) таъсисчилари (иштирокчилари) уларда иштирок этиш (аъзолик) ҳуқуқига эга бўлган ва ўзларининг олий органини (корпорация иштирокчиларининг умумий йиғилиши) ташкил этиш

хуқуқига эга бўлган юридик шахслардир. Бундан ташқари, корпоратив ташкилотда иштирок этиш хуқуқи унинг иштирокчиларининг улар ташкил этган юридик шахсга нисбатан корпоратив (аъзолик) хуқуқлари ва мажбуриятларини келтириб чиқаради[1].

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 2-моддасига кўра, корпоратив хуқуқий муносабатлар корпоратив ташкилотларда иштирок этиш ёки бошқариш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади[1].

В.Ф.Попондопулонинг фикрига кўра, ушбу норма умумий хусусиятга эга ва корпоратив хуқуқий муносабатларнинг хусусиятларини аниқлашга имкон бермайди. Шу тариқада юридик фанда “Корпоратив хуқуқий муносабатлар” тушунчаси корпорация ва унинг иштирокчилари бўлган субъектлар, корпоратив хуқуқий муносабатлар объекти ва мазмуни орқали тушунилади[2].

Россияда энг кўп тарқалган нуқтаи назар шундаки, корпоратив ташкилотлар билан боғлиқ барча муносабатлар корпоратив деб тавсифланиши мумкин эмас. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, “корпоратив хуқуқий муносабатлар – бу корпорация ичидаги ички муносабатлар, улар корпорация ва унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлардир”[3]. Шу билан бирга, корпорация корпоратив ҳисобланмайдиган турли хил ташқи муносабатларга кириши мумкин. Масалан, битимлар тузиш орқали. Шунингдек, корпорация ичидаги муносабатлар корпоратив деб тан олиниши керак. Бироқ ҳамма ички муносабатлар ҳам корпоратив хуқуқий муносабатлар эмас. Эътибор берилиши керак бўлган муҳим жиҳат шундаки, ишлаб чиқариш, технологик ва меҳнат муносабатлари корпоратив хуқуқ доирасига кирмайди ва корпоратив хуқуқий муносабатлар ҳисобланмайди. Бу корпоратив структура доирасида турли хил муносабатларни аниқ ажратиш зарурлигини англатади.

Ҳозирги амалиётда корпоратив хуқуқий муносабатларни аниқлаш борасида бир неча нуқтаи назар мавжуд.

Биринчиси, тор маънода: корпоратив хуқуқий муносабатлар корпорация ичидаги ички муносабатлар сифатида кўрилади, улар иштирокчилар (акционерлар, аъзо ва ҳ.к.) ўртасидаги ҳамкорликни ва корпорация фаолиятини бошқаришни қамраб олади. Бу муносабатлар овоз бериш, фойдани тақсимлаш, иштирокчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олиши мумкин.

Иккинчиси, кенг маънода: юридик шахс сифатида корпорациянинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган муносабатлар, шу жумладан, корпорацияларни ташкил этиш ва фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш масалалари (қимматли қоғозлар чиқарилишини тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларининг бирлашиши ва бошқалар)[4].

Шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган В.А.Белов корпоратив хуқуқий муносабатларни шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар деб таърифлайди ва умумий мақсадларга биргаликда эришиш учун фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган иттифоқ ёки корпоратив фаолият деб таъкидлайди. Унинг фикрича, корпоратив хуқуқий муносабатларнинг асоси умумий мақсаддир ва бу мақсад нима деган савол унга эришиш жараёнида ривожланаётган муносабатларни корпоратив деб таснифлашга мутлақо таъсир қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, мақсад ҳар қандай бўлиши мумкин. Бу ҳолда корпоратив хуқуқий муносабатлар нафақат ички аспектларни, балки корпорациянинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат органлари билан ташқи алоқаларини ҳам қамраб олади. Бу корпорацияларнинг ташкил этилишини, қимматли қоғозларни чиқаришини, қонунчилик нормаларини бажаришини ва корпорациянинг юридик шахс сифатида фаолияти билан боғлиқ бошқа аспектларни ўз ичига олади. Шу тариқа, корпоратив хуқуқий муносабатларни тушуниш зарурати ва тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин. Бу эса корпоратив хуқуқ соҳасида мазкур мавзунини янада чуқур ўрганиш муҳим эканлигини англатади. В.А.Белов корпоратив хуқуқий муносабатларни тушуниш учун қизиқарли ёндашувни таклиф қилади, уларнинг ижтимоий табиати ва мақсадли йўналишини таъкидлаб, асосий ғоя шундаки, корпоратив хуқуқий муносабатлар умумий мақсадларга

эришиш учун бирлашган шахслар атрофида шаклланади. Бунда мақсад корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг марказий элементи бўлиб, уларнинг характерини белгилайди, аммо умумий мақсаднинг мавжудлиги ўзига хос муносабатларни корпоратив деб аниқлаш учун етарлидир. Корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг таркибий тузилиши қуйидаги элементдан иборат:

1. Умумий мақсадларни аниқлаш.
2. Ушбу мақсадларга эришиш воситаларини аниқлаш.
3. Уларга эришиш учун келишилган ҳаракатларни амалга ошириш[5].

Корпоратив ҳуқуқий муносабат тушунчасининг батафсил таҳлили-И.Ф.Колонтаевская ва В.Ф.Попондуполо ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида келтирилган. Улар муаллифларнинг позитциясига қараб турлича. Масалан, И.Ф.Колонтаевскаянинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – корпорацияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган, уларни корпоратив ҳуқуқнинг субъекти сифатида белгиладиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури[6], В.К.Сперанский фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар бу – мулкӣ муносабатлар, В.Ф.Попондопулонинг фикрича корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу шартномавий муносабатлар, Н.Н.Пахомов ва Т.В.Кашаниннинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу мулкӣ муносабатлар, С.Н.Братуснинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – шахсий номулкий муносабатлар, А.М.Эрделевскийнинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу номулкий муносабатлар, бироқ шахсий муносабатлар эмас, М.А.Рожков ва О.А.Красавчиковнинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу бошқарув ва ташкилий муносабатлар, Д.В.Ломакиннинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил тури, В.А.Рахмиловичнинг ва Н.В.Козлов фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу мулкӣ ва номулкий муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги деб атаганлар[7].

В.Ф.Попондопулонинг фикрича, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу томонларнинг ўзига хос ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан ажралиб турадиган, иштирок этиш ва бошқариш билан чекланмаган мажбурий муносабатлар эканлигини кўрсатади. Олим корпоратив ҳуқуқий муносабатлар – бу корпорация иштирокчилари ташкилот соф фойдасининг бир қисмини (мулкдаги улуш, дивидентлар, тугатиш квотаси ва бошқалар) талаб қилиш учун мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу мажбурий муносабатлар “корпорацияга (қарздор сифатида) тўғридан-тўғри талаб қилиш орқали эмас, балки корпорация учун максимал фойда олиш учун унда иштирок этиш, уни бошқариш ва менежерларнинг ҳаракатларини назорат қилиш орқали” амалга оширилади[8].

В.П.Астаховнинг корпоратив ҳуқуқий муносабатларни мулк ва мажбурият сифатида кўриб чиқиб, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни мулкӣ ҳуқуқларнинг муҳим фарқловчи белгиларига мувофиқлигини (мос келмаслигини) аниқлаш йўли билан ўтказилган корпоратив ва мулкӣ муносабатларнинг қиёсий таҳлил қилган. Тадқиқот натижаларига кўра, В.П.Астахов корпоратив ҳуқуқий муносабатлар мулкӣ ҳуқуқларнинг ўрганилган белгиларини ҳеч бирига жавоб бермайди ва шунинг учун мулкӣ ва мажбурий муносабатларнинг диалектик қарама-қаршилигини ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар моҳиятига кўра, мажбурий муносабатлар эканлигини ёки мулкӣ муносабатлар элементларини ўз ичига олмайди деган хулосага келган[9].

Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар юридик шахсларнинг бошқаруви ва фаолияти билан боғлиқ муносабатлар, агар улар унинг иштирокчилари ўртасида ҳуқуқий тенглик асосида юзага келса, фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлади[11]. Агар корпоратив юридик шахс органлари ва унинг иштирокчилари ўртасидаги корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ваколат ва бўйсунуш тамойилларига асосланса, улар муъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг предметига айланади[12]. Шунингдек, цивилистик адабиётларда корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий мазмунига оид бошқа нуктаи назарлар ҳам билдирилган: уларни мулкӣ ва номулкий муносабатларнинг конгломерати сифатида кўриб чиқиш таклиф этилади[13].

Д.В.Ломакин корпорацияда иштирок этиш (аъзолик)нинг корпоратив ҳуқуқий муносабатларини мажбурият сифатида таснифлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, корпорациянинг мажбурий ҳуқуқий муносабатларда қарздор сифатида ўз аъзоларига нисбатан амалга ошириш керак бўлган ҳаракатлари, масалан маълумот тақдим этиш; тадбиркорлик субъекти тугатилганда маълум даврдаги тадбиркорлик фаолияти натижаларига кўра фойданинг бир қисмини тўлаш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан сўнг қолган мол-мулкнинг бир қисмини хўжалик юритувчи субъект тугатилганда бошқа шахсга ўтказиш қонун билан умумий шаклда белгиланади. Бундай мажбуриятнинг объекти шунчалик ноаниқки, у корпорациянинг ўз иштирокчиларига (аъзоларига) нисбатан мулкни топшириш, хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш бўйича аниқ мажбуриятини белгилашга имкон бермайди. Бу эса агар улар даъво сифатида кўриб чиқилса, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга имкон бермайди. Бундан ташқари, корпорация ўз аъзоларига нисбатан ушбу ҳаракатларни амалга ошириши учун қўшимча юридик фактлар талаб қилинади. Масалан, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидентлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ёки истеъмолчилар жамиятининг умумий йиғилиши томонидан ижтимоий объектлардан фойдаланиш шартномаларини белгилаш ҳисобланади[14].

Фикримизча, Д.В.Ломакиннинг далиллари анча зиддиятли ва уларга қўшилиб бўлмайди. Аввало, корпорациянинг ўз аъзолари олдидаги юқорида кўрсатилган деярли барча мажбуриятларининг пайдо бўлишининг асоси бўлган ҳуқуқий факт, маълумот бериш бўйича ҳаракатлар, хўжалик корпорациясининг маълум даврдаги фаолияти натижаларига кўра фойданинг бир қисмини тўлаш ва қолган мол-мулкнинг бир қисмини топшириш, хўжалик корпорацияси тугатилганда кредиторлар ва ҳисоб-китоблардан сўнг бу акциядорлар умумий йиғилишининг дивидентлар тўлаш, ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни топшириш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш эмас, балки корпорация аъзолигига қабул қилиш ҳисобланади ва ҳ.к. Гарчи бу қарорлар ўз мазмуни ва табиатига кўра ҳақиқатан ҳам муҳим бўлса-да, улар кўп жиҳатдан ҳосиладир? ва корпорация аъзолигига кириш ва қабул қилиш билан боғлиқ. Шундай қилиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши ушбу корпоратив шахснинг аъзоси бўлмаган шахсга дивидентлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши даргумон. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корпорация ва унга аъзо бўлган иштирокчилар ўртасида юзага келадиган аъзолик муносабатларини корпоратив ҳуқуқий муносабатлар деб аташ мумкин.

Тижорат ташкилотлари учун корпоратив ҳуқуқий муносабатлар биринчи навбатда мулкӣ муносабатлар, моддий бойликларни субъектлар ўртасида тақсимлаш (улушлар, дивидентлар, тугатиш квоталари ва бошқалар) ҳисобланади[15]. Айни пайтда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар моддий неъматларни олиш ва тақсимлаш бўйича муносабатларига айланади, бундай ташкилотларга аъзолик муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқлар мулкӣ хусусиятга эга эмас ва аъзолик мақоми муқаррар равишда турли номулкӣ муносабатларда иштирок этишни талаб қилади. Бундан ташқари, нотижорат корпорацияларга аъзолик ҳуқуқи унинг иштирокчиларининг ажралмас номулкӣ ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Уларнинг энг муҳими корпорация иродасини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқидир[16]. Бундан ташқари мулкӣ муносабатлар корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг таркибий элементи сифатида ташкилий ва бошқарув муносабатларисиз амалга оширилмайди. Айнан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга хос бўлмаган ташкилий-бошқарув жиҳатининг мавжудлиги корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг асосида кўплаб олимлар уларни гуруҳ сифатида таснифланган.

Тадқиқот сўнгида шундай савол туғилади: корпоратив ҳуқуқий муносабатлар мулкӣ, номулкӣ ёки аралаш (мулкӣ ва номулкӣ элементларни, шу жумладан ташкилий ва бошқарувни бирлаштирувчи) муносабатларга бўлиниши керакми? Юқоридаги барча ёндошувлар мавжуд бўлиши мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири турли вазиятларда корпоратив ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган маълум бир мезон ёки мезонлар гуруҳига асосланади ва барча низолар ушбу мезонларнинг қайси бири доминант (бирламчи) хусусиятга эга эканлигига асосланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқи тизимидаги ўрни масалалари бўйича рус тадқиқотчилар кўплаб қарама-қарши фикрларни билдирганлар. Тадқиқотчилар фикрларини умумлаштириб, қуйидаги хулосага келдик. Корпоратив ҳуқуқ соҳасини ривожлантириш, корпоратив фаолият билан боғлиқ бўлган корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришни амалга оширишни талаб қилади. Бундан ташқари, амалда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури бўлган корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик нормаларини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади. Шулардан келиб чиқиб корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий моҳиятини тушуниш учун тақдим этилган ёндошувлар бир-бирини истесно қилувчи сифатида қабул қилиниши керак эмас, балки турли вазиятларда ўрганилаётган ҳодисанинг моҳиятини тўлдирадиган, аниқлаштирувчи сифатида қабул қилиниши керак. Ушбу позицияни ҳисобга олган ҳолда, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни мулкӣ, номулкӣ ва ташкилий-бошқарув жиҳатларини бирлаштирган мураккаб ҳодиса сифатида кўриб чиқишга арзийди.

Фикримизча, корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида ўрганилсада, бироқ фуқаролик ҳуқуқий муносабат, деганда юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоӣ муносабатлар тушунилса, корпоратив ҳуқуқий муносабатларда юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар (иштирокчи – иштирокчи, акциядор – акциядор) билан бир қаторда юридик жиҳатдан тенг бўлмаган шахслар (акциядор – акциядорлик жамияти, иштирокчи – масъулияти чекланган жамияти, иштирокчи – хўжалик жамияти) ўртасидаги (ташкилий ҳуқуқий муносабатлар) муносабатлар ҳам киради. Шунингдек, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим жиҳатлари корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқли жиҳати мавжудлигидадир. Яъни корпоратив ҳуқуқий муносабатлар айнан муносабат иштирокчилари ва муносабатнинг ҳам вертикал ҳам горизонтал турлари мавжудлигида. Бундан ташқари корпоратив ҳуқуқий муносабатлар айнан корпорация фаолиятида вужудга келишидадир.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлилларга асосланиб, қуйидагиларни аниқлашни таклиф қиламиз: корпоратив ҳуқуқий муносабатлар корпорация ичидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мулкӣ, номулкӣ ва ташкилий-бошқарув жиҳатларини бирлаштиради; корпорацияларда иштирок этиш ёки уларни бошқариш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни бирлаштиради; шунингдек, корпорация таъсисчилари (иштирокчилари) ўртасида ҳамда корпорация ва унинг таъсисчилари (иштирокчилари) ўртасидаги муносабатлардир.

Чунончи фуқаролик ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар бир-бирларига нисбатан тенг ҳуқуқли шахслар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб фикримизча, корпоратив ҳуқуқий муносабатни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ичига тўлиқ киритиш ноўрин. Корпоратив ҳуқуқий муносабат алоҳида муносабат ҳисобланади.

Шунингдек, тадқиқот асосида миллий қонунчилигимизда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва таркиби (объекти, субъекти ва мазмуни)нинг мазмун-моҳиятини очиб беришимиз, корпорация тушунчасига таъриф беришга ундайди. Сабаби “Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар” феноменини ўрганишни корпорация тушунчасини аниқлашдан бошланиши керак. Хусусан, миллий қонунчилигимизда корпорация тушунчаси тўғридан-тўғри қўлланилмайди. Қонунчилигимизда корхона, тижорат ташкилотлари ёки тадбиркорлик субъектлари каби корпорация сўзининг бошқа вариантлари қўлланилади.

Юқоридагиларга асосланиб, миллий қонунчилигимизда авваламбор корпорация, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ва корпоратив ҳуқуқий муносабатлар таркиби (объекти, субъекти ва мазмуни) каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаб олсак, кейинчалик иқтисодий судларга тааллуқли бўлган корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган корпоратив низоларни бошқа низолардан ажратишда (судга тааллуқлилиқ масаласида) муаммолар бартараф этилган бўларди. Бу эса корпоратив ҳуқуқнинг ривожланишига янги

босқич бўлиб хизмат қиларди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая): федер. закон от 30 ноября 1994 г. № 51-ФЗ // Справ.-правовая система «Консультант Плюс». (Civil Code of the Russian Federation (part one): federal law of November 30, 1994 No. 51-FZ // Reference and legal system "Consultant Plus".) URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/.
2. В.Ф. Попондопуло. Корпоративное право России: общая характеристика // Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан. 2016. № 2 (43). С. 93–100. (V.F. Popondopulo. Corporate law of Russia: general characteristics // Bulletin of the Institute of Legislation and Legal Information of the Republic of Kazakhstan. 2016. No. 2 (43). P. 93–100.)
3. Е.Г. Шаблова. Корпоративное право. Екатеринбург: Издательство Уральская университета, 2019. С. 183. (E.G. Shablova. Corporate Law. Yekaterinburg: Ural University Publishing House, 2019. P. 183.)
4. Т.В. Воротилина. Корпоративные отношения как особый вид гражданско-правовых отношений // Вестник МГЭИ. 2021. № 1. С. 143–156. (T.V. Vorotilina. Corporate relations as a special type of civil law relations // Bulletin of MGEI. 2021. No. 1. P. 143–156.)
5. В.А. Белова. Корпоративное право. Актуальные проблемы теории и практики. 2-е издание, М.: Юрайт, 2015. С. 552. (V.A. Belova. Corporate Law. Current Issues of Theory and Practice. 2nd edition, Moscow: Yurait, 2015. P. 552.)
6. И.Ф. Колонтаевская. Понятие, природа, сущность и особенности корпоративных правоотношений // Вестник Московского университета имени С.Ю. Витте. Серия 2. Юридические науки. 2019. № 1. (19). С. 73–79. (I.F. Kolontaevskaya. Concept, nature, essence and features of corporate legal relations // Bulletin of Moscow University named after S.Yu. Witte. Series 2. Legal sciences. 2019. No. 1. (19). P. 73–79.)
7. А.А. Кравчук, А.Ю. Цыганков. Журнал правовых и экономических исследований, 2023, С. 99–103. (A.A. Kravchuk, A.Yu. Tsygankov. Journal of Legal and Economic Studies, 2023, P. 99–103.)
8. В.Ф. Попондопуло. Корпоративное право России: общая характеристика // Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан. 2016. № 2 (43). С. 93–100. (V.F. Popondopulo. Corporate law of Russia: general characteristics // Bulletin of the Institute of Legislation and Legal Information of the Republic of Kazakhstan. 2016. No. 2 (43). P. 93–100.)
9. В.П. Астахов. Отграничение корпоративных отношений от вещно-правовых // [Zakon.ru](https://zakon.ru/blog/2020/02/18/otgranichenie_korporativnyh_otnoshenij_ot_veschnopravovyh). 2020. 18 февраля. URL: https://zakon.ru/blog/2020/02/18/otgranichenie_korporativnyh_otnoshenij_ot_veschnopravovyh (дата обращения: 20.02.2023). (V.P. Astakhov. Distinction between corporate relations and property-law relations // [Zakon.ru](https://zakon.ru). 2020. February 18.) URL: https://zakon.ru/blog/2020/02/18/otgranichenie_korporativnyh_otnoshenij_ot_veschnopravovyh (date accessed: 20.02.2023)
10. О. Ломидзе. Переход обязательственных прав участников юридических лиц // Российская юстиция. 1999. № 10. С. 17. (O. Lomidze. Transfer of obligatory rights of participants in legal entities // Russian Justice. 1999. No. 10. P. 17.)
11. Ю.С. Поваров. Правовое положение акционера // Законы России: опыт, анализ, практика. 2012. № 2. С. 46. (Yu.S. Povarov. Legal status of a shareholder // Laws of Russia: experience, analysis, practice. 2012. No. 2. P. 46.)
12. А.М. Эрделевский. О защите личных неимущественных прав акционеров // Хозяйство и право. 1997. № 6. С. 70. (A.M. Erdelevsky. On the protection of personal non-property rights of shareholders // Business and Law. 1997. No. 6. P. 70.)

- 13.** Д.В. Ломакин. Корпоративные правоотношения: общая теория и практика ее применения в хозяйственных обществах. М.: Статут, 2008. С. 174. (D.V. Lomakin. Corporate legal relations: general theory and practice of its application in business entities. Moscow: Statut, 2008. P. 174.)
- 14.** А.Ю. Цыганков. Тренды в развитии института экстраординарных сделок // Современное право в условиях реформирования общества и государства: материалы Всероссийская научно-практическая конференция с международным участием / под редакцией А.В. Семенова, С.Н. Бабурина, Т.В. Слюсаренко, О.А. Егеревой. М.: Московский университет имени С.Ю. Витте, 2022. С. 325–330. (A. Yu. Tsygankov. Trends in the Development of the Institute of Extraordinary Transactions // Modern Law in the Context of Reforming Society and the State: Proceedings of the All-Russian Scientific and Practical Conference with International Participation / edited by A.V. Semenov, S.N. Baburin, T.V. Slyusarenko, O.A. Egereva. Moscow: Witte Moscow University, 2022. pp. 325–330.)
- 15.** З.А. Кашаров. Неимущественные корпоративные правоотношения // Международный научно-исследовательский журнал. 2020. № 6 (96). С. 149–150. (Z.A. Kasharov. Non-property corporate legal relations // International research journal. 2020. No. 6 (96). P. 149–150.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000